САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШНИЁЗОВ АБДУМАЛИК ИСКАНДАР ЎҒЛИ

КВАДРАТИК СТОХАСТИК ОПЕРАТОРЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УЛАРНИНГ ПОПУЛЯЦИОН ГЕНЕТИКА МОДЕЛЛАРИНИ ЎРГАНИШДАГИ ТАТБИҚЛАРИ

01.01.01 – математик анализ

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд - 2022

УДК: 517.98

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

Эшниёзов Абдумалик Искандар ўғли
Квадратик стохастик операторларнинг тузилиши ва уларнинг популяцион генетика моделларини ўрганишдаги татбиқлари 3

Эшниязов Абдумалик Искандар угли
Структура квадратичных стохастических операторов и ее приложения к изучению моделей популяционной генетики..... 19

Eshniyozov Abdumalik Iskandar o'g'li
The structure of quadratic stochastic operators and its applications to the study of population genetics models 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 37

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШНИЁЗОВ АБДУМАЛИК ИСКАНДАР ЎҒЛИ

КВАДРАТИК СТОХАСТИК ОПЕРАТОРЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УЛАРНИНГ ПОПУЛЯЦИОН ГЕНЕТИКА МОДЕЛЛАРИНИ ЎРГАНИШДАГИ ТАТБИҚЛАРИ

01.01.01 – математик анализ

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Самарқанд - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/FM213 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Ғанихўжаев Расул Набиевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Абдуллаев Жониқул Ибрагимович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Эшмаматова Дилфуза Бахрамовна физика-математика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___»_________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866)231–06–32, факс: (+99866) 235–19–38, e-mail: patent@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231–06–32, , факс: (+99866) 235–19–38.)

Диссертация автореферати 2022 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2022 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А.С. Солеев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, физика-математика фанлари доктори, профессор

А.М. Халхўжаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, физика-математика фанлари доктори

С.Н.Лакаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, физика-математика фанлари доктори, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ночизиқли динамик системалар, хусусан квадратик стохастик операторларнинг татбиқлари масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда динамик системалар назарияси математиканинг энг ривожланаётган соҳаларидан бири бўлиб, математик таҳлил, дифференциал тенгламалар, топология, эҳтимоллар назарияси, популяцион биология каби турли соҳалардаги кўплаб жараёнларни моделлаштириш замонавий математиканинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга чекли ўлчовли симплексда аниқланган квадратик акслантиришларнинг қўзғалмас нуқталарини тўлиқ аниқлаш, тавсифлаш ва қўзғалмас нуқталарнинг хусусиятларини, квадратик стохастик операторлар траекторияларининг асимптотик ҳолатларини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда динамик системаларнинг математик моделларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Динамик системаларнинг биринчи гуруҳи узлуксиз динамик системалар бўлиб, унда топологик фазода аниқланган вектор майдоннинг интеграл чизиқлари, лимитик нуқталар мавжудлик муаммолари, турғунлик, ечимларнинг бифуркациялари, катастрофлар назарияси каби масалалар, иккинчи гуруҳи эса дискрет динамик системалар ёки каскадлар деб аталади ва унда траекторияларнинг асимптотик ҳолатлари, даврий орбиталарнинг мавжудлик масалаларига оид муаммоларни ҳал этиш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, чекли ўлчовли симплексда аниқланган квадратик стохастик операторларнинг траекторияларини дискрет ва узлуксиз бўлган ҳолларда асимптотик ҳолатларини ўрганишга оид тадқиқотларни ривожлантириш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиқларига эга бўлган долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди, хусусан, мамлакатимиз олимлари томонидан динамик системаларни тадқиқ этиш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимиз олимлари бу йўналишда салмоқли натижаларга эришдилар. “Функционал анализ, математик таҳлил, дифференциал тенгламалар ва уларнинг қўлланилиши, ночизиқли системаларни математик моделлаштириш, динамик системалар ва уларнинг қўлланилиши, стохастик анализ, биотиббиёт информатика, ҳисоблаш математика[1]” фанларининг устивор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.

фаолият йўналишлари этиб белгиланди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, дискрет ва узлуксиз динамик системаларда квадратик акслантиришлар масалалари бўйича тадқиқотларни ривожлантириш ва амалиётга кенг жорий этиш йўналишидаги илмий-тадқиқот ишларини бажариш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И. Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда квадратик стохастик операторларни соф математик жиҳатдан ўрганиш бўйича бир қатор таниқли хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан G.H. Hardy, S.N. Bernstein, G. Kesten, S.S. Wallander ва бошқалар. Шу билан бирга, ушбу йўналишда Ўзбекистоннинг таниқли олимлари академик Т.А. Саримсақов, Р.Н. Ғанихўжаев, Н.Н. Ғанихўжаев ва бошқаларнинг ишларидан бошлаб бир қатор илмий тадқиқотлар ишлари олиб борилган. Икки ўлчовли симплексдаги квадратик стохастик операторларнинг траекторияларининг тартибсиз ҳаракатларига доир дастлабки мисоллар M.T. Menzel, P.R. Stein va S.M. Ulam (1955) томонидан кўриб чиқилган, сўнгра G. Kesten (1970) ва S.S. Wallander (1972) томонидан исбот қилинган. М.И. Захаревич S.M.Ulam мисолига нисбатан Cesaro бўйича ўртача қийматларининг лимити мавжуд эмаслигини исботлади (1982). Динамик системаларни таснифлаш уларнинг ҳолатларини кўрсатиш, эволюцион оператор хусусиятларини тавсифлаш, вақтга боғлиқлик ва шунга ўхшаш усулларга асосланади. Дифференциал тенгламалар назариясининг сифат назариясида юзага келган узлуксиз динамик системалар, асосан дифференциал тенгламалар ечимлари ҳолатининг кўпхилликлардаги глобал топологик ҳолатини ўрганади. Бу йўналиш бўйича A.Poincare, J.Birkhoff, А.Андронов, А.Н.Колмогоров ва бошқалар шуғулланганлар.

1980-йиллардан бошлаб академик Т.А. Саримсаков раҳбарлигидаги Тошкент математиклари бу тадқиқотларга қўшилдилар. S^2 да аниқланган квадратик стохастик операторлар А.Т. Саримсаков (1981) томонидан, S^3 и

S^4 да аниқланган Вольтерра типидаги квадратик стохастик операторларнинг траекторияларининг ҳаракати эса К.А. Курганов (1984) томонидан ўрганилган. Икки ўлчовли симплексда аниқланган икки Вольтерра акслантиришларининг композицияси траекторияларининг асимптотик ҳаракатлари Д.Б. Эшмаматова (2004), S^4 симплексдаги квадратик гомеоморфизмларнинг динамик хоссалари М.А. Таджиева (2022) томонидан ўрганилган масалаларда салмоқли натажаларга эришилди. Шу билан бир қаторда, ихтиёрий ўлчамдаги симплексда аниқланган квадратик стохастик операторлар учун олинган натижаларни умумлаштириш масаласи етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ОТ-Ф4-31 рақамли «Нокоммутатив модуллар, Лейбниц алгебралари ва симплексда полиномиал каскадлар» мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади популяцион генетикада Вольтерра моделларини ва квадратик стохастик операторлар назарияси билан боғлиқ Вольтерра популяциялари траекторияларининг асимптотик ҳаракатларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турнирлар назарияси, графлар назарияси ёрдамида чекли ўлчамли симплекснинг ички нуқталари траекторияларининг динамикасини тўлиқ тавсифлаш;

чекли ўлчамдаги ҳоллар учун симплексда аниқланган Вольтерра популяцияларининг мувозанат ҳолатлари карталарини тўлиқ тавсифлаш;

чекли ўлчамдаги ҳоллар учун симплексда аниқланган қўзғалмас нуқталар картаси ёрдамида Вольтерра популяцияларининг мувозанат ҳолатларининг динамикаси аниқлаш;

чекли ўлчовли симплексда аниқланган квадратик стохастик операторларнинг бистохастик бўлиши шарти асосида, унинг эктремал нуқталари сонини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти популяцион генетикада Вольтерра типидаги квадратик стохастик операторлар ва Вольтерра акслантиришлари траекторияларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети чекли ўлчовли симплексда Вольтерра типидаги квадратик стохастик операторларнинг узлуксиз акслантиришлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида математик таҳлил усуллари, функционал таҳлилнинг умумий усуллари, ассоциатив бўлмаган алгебралар назарияси, кўп ўлчовли матрицалар назарияси, дифференциал тенгламалар, динамик системалар назарияси, математик физика, эҳтимоллар назарияси, комбинаторика ва графлар назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турнирлар назарияси, графлар назарияси ёрдамида чекли ўлчамли симплекснинг ички нуқталари траекторияларининг динамикаси кўрсатилган;

чекли ўлчамдаги ҳоллар учун симплексда аниқланган Вольтерра популяцияларининг мувозанат ҳолатлари карталарини тўлиқ тавсифи кўрсатилган;

чекли ўлчамдаги ҳоллар учун симплексда аниқланган қўзғалмас нуқталар картаси ёрдамида Вольтерра популяцияларининг мувозанат ҳолатларининг динамикаси аниқланган;

чекли ўлчовли симплексда аниқланган квадратик стохастик операторларнинг бистохастик бўлиши шарти асосида, унинг эктремал нуқталари сони аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

чекли ўлчовли симплексда аниқланган квадратик акслантиришлар траекторияларининг қўзғалмас нуқталарини аниқ топилган;

квадратик акслантиришларларнинг қўзғалмас нуқталари картасидан, узлуксиз акслантиришлар траекторияларининг қўзғалмас нуқталарини топишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги функционал анализ, эҳтимоллар назарияси, динамик системалар назарияси усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда қатъий математик мулоҳазаларни қўллаш орқали, математик исботлашлар билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар квадратик стохастик операторлар назариясида, чекли ўлчовли симплексда квадратик акслантиришлар траекторияларининг ҳаракатлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уларни дискрет ва узлуксиз динамик системалар назарияси бўйича махсус семинарларда, шунингдек математик биологияда қўллаш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Квадратик стохастик операторларнинг тузилиши ва уларни популяцион генетика моделларини ўрганишдаги татбиқларига оид олинган натижалар асосида:

квадратик стохастик операторларнинг тузилиши ва уларни популяцион генетика моделларини ўрганишдаги татбиқларидан Гулистон давлат университети “Биология” кафедрасида 2012-2016 йилларда бажарилган Ф-5-17- рақамли “Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудларда тарқалган қуруқлик моллюскалардаги ўзгарувчанлик қонуниятлари ва тур ҳосил бўлиш жараёни” мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Гулистон давлат университетининг 2022 йил 10 январдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Ўзбекистон ва туташ ҳудудларда тарқалган қуруқлик моллюскалардаги ўзгарувчанлик қонуниятлари ва тур ҳосил бўлиш жараёнини Вольтерра типидаги квадратик стохастик операторлар ёрдамида ҳосил қилинган популяция моделлари учун мувозанат ҳолатлари, мувозанат ҳолатининг турғунлиги ва эволюцион динамикасини қўллаган ҳолда, назарий асослаб бериш имконини берган;

квадратик стохастик операторларнинг тузилиши ва уларни популяцион генетика моделларини ўрганишдаги татбиқларидан Ф-4-32-«Сингуляр коэффициентли Геллерстедт тенгламаси учун Трикоми масаласи, аралаш масала ва Бицадзе-Самарский масалаларининг шартларини ўзида бирлаштирган масалаларнинг корректлигини ўрганиш» (2012-2016) илмий-тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Термиз давлат университетининг 2022 йил 21 июндаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ночизиқли икки ўлчовли икки параметрга боғлиқ айирмали тенгламалар системаси учун турғун ва даври иккига тенг бўлган ечимлари тўла тавсифидан грант доирасида Геллерстедт тенгламаси учун Трикоми масаласининг айирмали кўринишларини таснифлашда ва сонли ечишда фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши Геллерстедт тенгламаси учун Трикоми масаласи сонли натижаларни визуаллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 36 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 9 та халқаро ва 27 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 5 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 90 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Бошланғич маълумотлар»,** деб номланувчи бобида диссертациянинг асосий натижаларини тақдим этиш учун зарур бўлган дастлабки маьлумотлар келтирилган.

В. Вольтерранинг "Мавжудлик учун курашнинг математик назарияси" номли монографияси мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди ва биологияда математик усуллар бўйича тадқиқотлар олиб боришга кенг йўл очиб берди. С. Улам, М. Менцел, П. Стейн ЭҲМ ёрдамида учта биологик турга эга бўлган популяция учун, мумкин бўлган барча эволюцион операторларнинг траекторияларининг ҳаракатларини батафсил ўрганиб чиқдилар.

$S^2=\left\{ (x,y,z)\in R^3:\ x,y,z\geq 0,\quad x+y+z=1\right\}$ бўлсин. Қуйидаги динамик системани қараймиз:

$$\begin{cases} x_1'=x^2+2xy, \\ x_2'=y^2+2yz, \\ x_3'=z^2+2zx. \end{cases}$$

Равшанки, $V:\ S^2\to S^2$, яъни $x_i\geq 0$

$$x_1'+x_2'+x_3'=x^2+y^2+z^2+2xy+2yz+2zx=(x+y+z)^2=1.$$

Геометрик нуқтаи назардан S^2 икки ўлчовли симплекс - бу учлари $(1;\ 0;\ 0)$; $(0;\ 1;\ 0)$; $(0;\ 0;\ 1)$ ва маркази $\left(\frac{1}{3};\frac{1}{3};\frac{1}{3}\right)$ бўлган учбурчакни англатади, нуқталар эса V эволюцион операторнинг қўзғалмас нуқталари (мувозанат ҳолатлари) эканлигини текшириш қийинчилик туғдирмайди.

Ҳар қандай қўзғалмас нуқталаридан бошқа (мувозанатсиз) нуқталарнинг траекторияси симплексда спиралсимон ҳаракатланиб, унинг чегарасига яқинлашади, бироқ ҳеч қандай траектория яқинлашмайди (1-расмга қаранг.)



1-расм

С. Улам юқоридаги системагага нисбатан ҳар қандай траекторияси Чезаро бўйича ўртача қийматлари яқинлашади, яъни қуйидаги лимит мавжуд, деган тахминни қилади, яъни

$$\lim_{m\to\infty}\frac{1}{m}\sum_{k=0}^{m}V^k x\,.$$

Бироқ, 1978 йилда М.И. Захаревич бу тахминни рад этиб, яъни юқоридаги лимит ҳар қандай траектория учун мавжуд эмаслигини исботлади.

Р.Н.Ғанихўжаев Вольтерра популяциялари траекторияларининг асимптотик ҳаракатларини ўрганишда графлар назарияси усулларини самарали фойдаланди.

Динамик системалар назариясида акслантириш ва кўпхилликларнинг трансверсаллиги тушунчаси муҳим ўрин тутади.

Хусусий ҳолларни ҳисобга олмаслик мақсадида, Р.Н Ғанихўжаев Вольтерра типидаги квадратик операторлар трансверсаллик синфини ажратиб кўрсатди. Маълум бўлишича, трансверсаллик шарти ирсият коэффициентлари тилида осон талқин қилинади ва энг муҳими, трансверсал операторлар тўплами барча Вольтерра типидаги операторлар тўпламида массив қисм тўпламни (очиқ ва ҳамма жойда зич) ташкил қилади.

1-таъриф. Агар барча жуфт тартибли бош минорлари нолдан фарқли кососимметрик матрицаси $A=(a_{ki})$ трансверсаль дейилади.

Трансверсалликнинг биологик маъноси шуни иборатки, ҳар қандай икки турдаги популяция (генлар) да бирининг бошқасидан устунлиги, яъни доминантлик қилишини англатади.

Популяцияни кўпайишга нисбатан организмларнинг ёпиқ жамоа сифатида тавсифланади. Популяцияда авлодлар кетма-кетлиги билан фарқ қилинади. Турли авлодлар ўртасида чатишишлар рўй бермайди, деб тахмин қилинади.

Теорема (Р.Н.Ғанихўжаев). Агар Вольтерра популяциясининг $V:\ S^{m-1}\to S^{m-1}$ – эволюцион оператори ва V трансверсал бўлса, у ҳолда популяциянинг мувозанат ҳолатлари тўплами ҳар доим чекли бўлади.

Популяция m та турлардан иборат деб фараз қилайлик: $x=(x_1,x_2,\ldots,x_m)$ дастлабки моментда унинг ҳолати $x=(x_1,x_2,\ldots,x_m)$ тўплам билан берилади, бу ерда $x_1 \ge 0$, $x_2 \ge 0, \dots, x_m \ge 0$ ва $\sum_{i=1}^{m} x_i = 1$. Барча мумкин бўлган ҳолатлар тўпламини

$$S^{m-1} = \left\{ x = (x_1; x_2; ...; x_m): \ x_1 \ge 0, x_2 \ge 0, ..., x_m \ge 0, \ \sum_{i=1}^{m} x_i = 1 \right\}$$

орқали белгилаймиз.

Шундай қилиб, популяциянинг ихтиёрий ҳолатини S^{m-1} нинг элементи сифатида қараш мумкин. Математикада S^{m-1} симплексни $m-1$ ўлчовли стандарт симплекс деб аталади. Равшанки, симплекс R^m Эвклид фазосида қавариқ, чегараланган, ёпиқ ва унинг қисм тўплами ҳисобланади. $e_1 = (1;\ 0; ...; 0)$, $e_2 = (0;\ 1;\ 0; ...; 0)$, $\dots$, $e_m = (0;\ 0; ...; 1)$ нуқталар симплекснинг учлари дейилади.

$I = \{ 1,\ 2,\ ...,\ m \}$ ва α шу I тўпламнинг ихтиёрий бўш бўлмаган қисм тўплами бўлсин . $\Gamma_\alpha = co\{ e_i : \ i \in \alpha \}$ ($co-$ қавариқ қобиғи) S^{m-1} симплекснинг ($|\alpha|-1$)-ўлчовли ёқи дейилади . Қуйидаги

$$\operatorname{int} S^{m-1} = \{ x = (x_1; x_2; ...; x_m) \in S^{m-1} : x_1 > 0,\ x_2 > 0, ..., x_m > 0 \}$$

$$\partial S^{m-1} = \{ x = (x_1; x_2; ...; x_m) \in S^{m-1} : \ \exists\, i \in I : \ x_i = 0 \}$$

мос равишда, симплекснинг нисбий ичи ва нисбий чегараси дейилади.

Шундай қилиб, S^{m-1}да популяциянинг 1, 2, …, m ҳолатлари тўплами ва $\{P_{ij,k}\}$; $i, j, k = \overline{1,\ m}$ ирсиятлик коэффициентлари тўплами ($P_{ij,k}$ бу ерда i ва j турларнинг чатишишидан k турнинг пайдо бўлиш эҳтимоллигини англатади).

Тўла эҳтимоллик формуласидан фойдаланиб, эволюцион оператори учун қўйидаги тенгликлар ўринли:

$$(Vx)_k = \sum_{i,j=1}^{m} P_{ij,k} x_i x_j, \ \ k = \overline{1,\ m}\,, \ \sum_{k=1}^{m} P_{ij,k} = 1. \tag{1}$$

Шундай қилиб, (1) да биз тасодифий чатишишларни, яъни *панмиксия* моделини кўриб чиқамиз. Шунингдек, ирсият коэффициентларининг дастлабки иккита индексига нисбатан симметрик деб фараз қиламиз:

$$P_{ij,k} = P_{ji,k}. \tag{2}$$

2-таъриф. Агар ирсият коэффициентлари қуйидаги шартни қоаноатлантирса:

$$P_{ij,k} = 0, \text{ ихтиёрий } k \notin \{ i,\ j \} \text{ учун. } (3)$$

у ҳолда Вольтерра типидаги эволюцион оператори дейилади.

(3) шартнинг биологик маъноси шундан иборатки, насл фақат ота-она туринининг бирини мерос қилиб олиши мумкин, яъни иккала турни чатишишидан фақат i ёки j тур пайдо бўлиши мумкин.

Теорема(Р.Н.Ганихўжаве**)**. Агар V – воьтерра популяциясининг эволюцион оператори бўлса, у ҳолда

- $V:\ \mathrm{int}(S^{m-1}) \to \mathrm{int}(S^{m-1})$;
- $V:\ \partial S^{m-1} \to \partial S^{m-1}$;
- $V:\ \varGamma_\alpha \to \varGamma_\alpha$;
- $V:\ \mathrm{int}(\varGamma_\alpha) \to \mathrm{int}(\varGamma_\alpha)$;
- $V:\ \partial\varGamma_\alpha \to \partial\varGamma_\alpha$.

бўлади.

Юқоридаги теореманинг биологик маъноси: агар популяциянинг дастлабки ҳолатида бирор бир тур мавжуд бўлса, у ҳолда у мавжуд (йўқ бўлиб кета олмайди) бўлиб, эволюциянинг барча кейинги авлодларида иштирок этади; агар популяциянинг дастлабки ҳолатида бирор бир тур мавжуд бўлмаса, у кейинги авлодда пайдо бўлмайди.

Популяцииoн генетиканинг масалаларида вақт ўтиши билан биологик система эволюциясини ўрганиш зарурати туғилади. Кўпгина ҳолларда системанинг эволюцияси симплекснинг квадратик карталари билан ўзига хос тарзда тасвирланади. Биологик нуқтаи назардан эволюцион операторнинг гомеоморфизми ҳозирги вақтда системанинг маълум ҳолатига кўра биологик системанинг тарихини тиклаш имкониини беради.

Чекли ўлчовли симплексда берилган Вольтерра операторининг квадратик акслантириш натижаси сифатида қандайдир турнирни аниқлайди, унинг хоссалари ёрдамида траекторияларининг асимптотик ҳаракатларини ўрганишга имконини беради.

Трансверсаллик $a_{ki} \neq 0$, ҳамда $k \neq i$ шартида, берилган Вольтерра популяцияси учун учун турнирни қуйидагича қуриш мумкин: текисликда m нуқталарни оламиз ва барча мумкин бўлган нуқталарни жуфт- жуфт қилиб сегментлар билан бирлаштирамиз, агар $a_{ki} < 0$ бўлса, k нуқтадан i нуқтага йўналтирилган кесмани, агар $a_{ki} > 0$ бўлса йўналишни аксинча қўямиз. Ҳосил қилинган йўналтирилган граф Вольтерра популяцияси эволюцион операторининг турнири дейилади (T_m билан белгиланади).

3-таъриф. Йўналиш бўйича ихтиёрий учидан, бошқа ҳар қандай учига бориш мумкин бўлса, бундай турнир кучли турнир дейилади.

Бирорта ҳам қисмтурнири кучли бўлмаган турнир, транзитив дейилади.

4-таъриф. Ихтиёрий қисмтурнири кучли ёки транзитив бўлса, бундай турнир биржинсли дейилади.

Р.Н. Ғанихўжаевнинг ишларида қуйидаги тасдиқларни исботланган.

1. Трансверсаль Вольтерра популяциясида фақат тоқ сонли турлар мувозанат ҳолатида бўлиши мумкин.

2. Агар V Вольтерра акслантиришиган мос келадиган T_m турнир транзитив бўлса, у ҳолда фақат S^{m-1} нинг учлари мувозанат нуқталари бўлади.

3. Кучли T_m турнирда камида $m-2$ та циклик учлик мавжуд.

4. $V: S^{m-1} \to S^{m-1}$ акслантиришнинг ҳар қандай қўзғалмас нуқтаси фақат ноль бўлмаган координаталарининг тоқ сонидан иборат бўлади.

Диссертациянинг "**Популяцион генетиканинг Вольтерра модели**" номли иккинчи бобида Вольтерраа операторининг қўзғалмас нуқталари картаси тушунчаси киритилган. Бир хил аниқланган икки популяциянинг эволюцияси тасвири траекторияларнинг асимптотик ҳаракати бир-биридан сезиларли даражада бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Эволюцияни тасвирлаш мақсадида популяциянинг мувозанат ҳолатлари картаси тушунчаси билан киритилган.

$X=\{x(\alpha)\}$ Вольтерра квадратик стохастик оператор $V:\ S^{m-1}\to S^{m-1}$нинг барча қўзғалмас нуқталари тўплами бўлсин. X нинг элементлари текисликдаги нуқталар сифатида ифодалаймиз. Агар шундай $\gamma\subset\{1,\ 2,...,\ m\}$ мультииндекс мавжуд бўлса, $x(\alpha)$ нуқтадан йўналтирилган ёй билан $x(\beta)$ нуқта билан туташтирамиз:

$$i)\ \ x(\alpha),\ \ x(\beta)\in\Gamma_\gamma$$

$$ii)\ A_\gamma x(\alpha)\geq 0,\ \ A_\gamma x(\beta)\leq 0.$$

Бошқача қилиб айтганда, $x(\alpha)$, $x(\beta)$ қўзғалмас нуқталар V_γ операторнинг $\gamma\subset\{1,\ 2,...,\ m\}$ баъзиларида $(p,\ q)$ жуфтлик ҳосил қилиши керак. Ҳосил қилинган йўналтирилган граф операторнинг мувозанат нуқталари картаси деб аталади ва G_V билан белгиланади

1-теорема. Қўзғалмас нуқталар картаси ягона осилган учга эга бўлади.

Олдинги параграфда кўриб чиқилган S^4да Вольтерра типидаги дискрет динамик системаларнинг узлуксиз аналоги қуйидаги дифференциал тенгламалар системаидан иборат:

$$\begin{cases}\dot{x}_1(t)=x_1(t)\cdot(a_{11}\cdot x_1(t)+a_{12}\cdot x_2(t)+a_{13}\cdot x_3(t)+a_{14}\cdot x_4(t)+a_{15}\cdot x_5(t)),\\ \dot{x}_2(t)=x_2(t)\cdot(a_{21}\cdot x_1(t)+a_{22}\cdot x_2(t)+a_{23}\cdot x_3(t)+a_{24}\cdot x_4(t)+a_{25}\cdot x_5(t)),\\ \dot{x}_3(t)=x_3(t)\cdot(a_{31}\cdot x_1(t)+a_{32}\cdot x_2(t)+a_{33}\cdot x_3(t)+a_{34}\cdot x_4(t)+a_{35}\cdot x_5(t)),\\ \dot{x}_4(t)=x_4(t)\cdot(a_{41}\cdot x_1(t)+a_{42}\cdot x_2(t)+a_{43}\cdot x_3(t)+a_{44}\cdot x_4(t)+a_{45}\cdot x_5(t)),\\ \dot{x}_5(t)=x_5(t)\cdot(a_{51}\cdot x_1(t)+a_{52}\cdot x_2(t)+a_{53}\cdot x_3(t)+a_{54}\cdot x_4(t)+a_{55}\cdot x_5(t)),\end{cases}\tag{4}$$

бунда $\left\{a_{ij}\right\}$ ўзгармас коэффициентлар қуйидаги шартларни қаноатлантиради:

$$a_{ij}=-a_{ji}\ \text{ и }\ |a_{ij}|\leq 1.$$

Агар бошланғич нуқта $(x_1(t_0),x_2(t_0),x_3(t_0),x_4(t_0),x_5(t_0))$ симплексга тегишли бўлса, унда (4) учун Коши масаласининг интеграл эгри чизиғи бутунлай S^4 ичида ётади.

Ҳисоблашларни соддалиги учун $a_{ki}=\pm1$ бунда, $k\neq i$ ва $a_{kk}=0$ деб ҳисоблаймиз. Ушбу шартнинг биологик маъноси шундаки, ота-она жуфтларини чатишишидан авлод фақат ота-оналардан бирини 1 эҳтимоллик билан, иккинчисининг 0 эҳтимоллик билан белгисини мерос қилиб олади.

Бундай ҳолда, 5-тартибли олтита кучли турнирларнинг учларини ўрин алмаштириш аниқлиги билан фақат биттаси (4) дифференциал тенгламалар системасига мос келиши мумкин.

Ушбу бобнинг асосий натижалари 5-тартибли олтита кучли турнирлар бўлиб, ҳар бири учун натижалар олинган. Улардан фақат биттасини кўриш билан кифояланамиз.

T_5 кучли турнир ва дифференциал тенгламалар системаси қуйидаги кўринишда бўлсин:



$$\begin{cases} \dot{x}_1 = x_1 \cdot (-x_2 - x_3 - x_4 + x_5), \\ \dot{x}_2 = x_2 \cdot (x_1 - x_3 + x_4 - x_5), \\ \dot{x}_3 = x_3 \cdot (x_1 + x_2 - x_4 - x_5), \\ \dot{x}_4 = x_4 \cdot (x_1 - x_2 + x_3 - x_5), \\ \dot{x}_5 = x_5 \cdot (-x_1 + x_2 + x_3 + x_4). \end{cases} \tag{5}$$

ёзувни қисқартириш мақсадида t аргумент тушириб қолдирилган.

2-теорема. Агар $x^0 \in \operatorname{int} S^4$, яъни бошланғич нуқта симплекс ичида бўлса, у ҳолда (5) учун бошланғич $x(t_0) = x^0$ шартлар билан Коши масаласининг ечими

$$M = \{x = (x_1, x_2, x_3, x_4, x_5) \in S^4 : \quad x_2 \cdot x_3 \cdot x_4 = 0\}.$$

ёпиқ қавариқ сиртида бўлади.

Диссертациянинг "**Бистохастик квадратик операторлар ёрдамида аниқланадиган моделлар**" номли учинчи боби барча бистохастик квадратик операторлар тўпламининг тўлиқ тавсифига бағишланган .

$S^{m-1} = \left\{ x = (x_1, ..., x_n) : \ \sum_{i=1}^{m} x_i = 1, \ x_i \geq 0 \right\} - R^m$ да стандарт симплекс бўлсин. $x_{\downarrow} = (x_{[1]}, ..., x_{[m]})$, бунда $x_{[1]} \geq ... \geq x_{[m]}$ – $x \in S^{m-1}$ нуқталарининг координаталари, ўсмайдиган тартибда тартибланган.

Агар $x, y \in S^{m-1}$ ва $\sum_{i=1}^{k} x_{[i]} \leq \sum_{i=1}^{k} y_{[i]}$, $k = \overline{1, m}$ тенгсизликлар бажарилса, у ҳолда y x ни мажаронтаси дейилади ва $x \prec y$ кўринишда ёзилади.

Бистохастиклик атамасини ихтиёрий узлуксиз (умуман айтганда, ночизиқли) $V: \ S^{m-1} \to S^{m-1}$ операторлар, ҳамда барча $x \in S^{m-1}$ учун қуйидаги шарт бажарилса

$$Vx \prec x \tag{6}$$

Хусусан, $V : S^{m-1} \to S^{m-1}$ квадратик стохастик оператор қуйидаги тенглик билан аниқланади

$$(Vx)_k = \sum_{i,j=1}^{m} P_{ij,k} x_i x_j \ , \ k = \overline{1, m}, \tag{7}$$

бунда $P_{ij,k}=P_{ji,k}\geq 0$ ва $\sum_{k=1}^{m}P_{ij,k}=1,$ (6) бажарилганда бистохастик квадратик оператор дейилади, $\mathbb{B}$ билан белгиланади.

Асосий натижалар қуйидагилардан иборат:

3-теорема. Агар $V:S^{m-1}\to S^{m-1}$ – бистохастик квадратик оператор бўлса, $P_{ij,k}$ коэффициентлари қуйидаги шартларни қаноатлантиради:

$$\text{а) } \sum_{i,j=1}^{m}P_{ij,k}=m\,, \qquad \forall\ k=\overline{1,m}, \tag{8}$$

$$\text{б) } \sum_{j=1}^{m}P_{ij,k}\geq \frac{1}{2}\,, \qquad \forall\ i,k=\overline{1,m}, \tag{9}$$

$$\text{в) } \sum_{i,j\in I_t}P_{ij,k}\leq t\,, \qquad \forall\ t,k=\overline{1,m}, \tag{10}$$

бунда $I_t=\{i_1,i_2,...,i_t\}$ $-t$ элементни ўз ичига олган $I=\{1,\ 2,...,m\}$тўпламнинг қисм тўплами.

Белгилаш киритамиз:

$$\mathfrak{I}_k=\left\{T=(t_{ij}),\ i,j=\overline{1,n}:\ 0\leq t_{ij}\leq 1,\ \sum_{j=1}^{m}t_{ij}=k\right\},\quad 1\leq k\leq m$$

$$\mathbb{U}_k=\left\{A=(a_{ij}):\ a_{ij}=a_{ji},\ A=\frac{1}{2}(T+T'),\ T\in\mathfrak{I}_k\right\},\quad 1\leq k\leq m$$

$\mathbb{U}_k$ ни $\mathfrak{I}_k$ нинг симметризацияси деб атаймиз.

4-теорема. Қуйидаги тасдиқлар ўринли:

i) $A\in\mathbb{U}_k\Leftrightarrow E-A\in\mathbb{U}_{m-k}$, $k=\overline{1,m-1}$;

ii) $\mathbb{U}_k\cap\mathbb{U}_l=\varnothing$, $k\neq l$ да;

iii) $\mathbb{U}_k=\{E\}$;

iv) $A\in\mathbb{U}_k\Rightarrow\frac{p}{k}\cdot A\in\mathbb{U}_p$, $1\leq p\leq k$;

v) $\mathbb{U}_k+\mathbb{U}_l\supset\mathbb{U}_{k+l}$, $k+l\leq n$;

vi) $\mathbb{U}_k$ – кўпёқ.

5-теорема. Агар $A_1\in\mathbb{U}_1$ бўлса, у ҳолда $A_2,...,A_n\in\mathbb{U}_1$танлаш мумкинки, $V=(A_1|...|A_n)\in\mathbb{B}$ бўлади.

6-теорема. Агар $A=\left(a_{ij}\right)\in extr\mathbb{U}_1$ бўлса, у ҳолда $a_{ii}=0\vee 1$ $i\neq j$ да, $a_{ij}=0\vee 0{,}5\vee 1.$

7-теорема. Агар $V\in\mathbb{B}$ ва $\{V^n x\}$ – x нуқтадан бошланувчи траектория, $\omega(x)$ – шу нуқтанинг траекторияларининг лимит нуқталари тўплами бўлса, у ҳолда:

1) $\omega(x)$–чекли тўплам;

2) траекториялар ўртача арифметигининг лимити, яъни $\lim\limits_{m\to\infty}\frac{1}{m}\sum\limits_{k=0}^{m-1}V^k x$ мавжуд.

ХУЛОСА

Диссертация Вольтерра оператори системаларининг динамикасини тўлиқ тавсифлаш ва бир жинсли бешинчи тартибли турнирларнинг узлуксиз ҳолини ўрганишга бағишланган, бистохастик квадратик операторлар томонидан аниқланадиган моделларни ўрганишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Вольтерра типидаги эволюцион операторига мос турнир кучли бўлса, популяция камида $2(m-1)$ та мувозанат ҳолатларига эга эканлиги исботланган.
2. Агар Вольтерра популяциясининг дастлабки ҳолатида бирор бир тур мавжуд бўлса, у ҳолда у мавжуд (йўқ бўлиб кета олмайди) ва эволюциянинг барча кейинги авлодларида; агар популяциянинг дастлабки ҳолатида бирор бир тур мавжуд бўлмаса, у кейинги авлодда пайдо бўлмаслиги исботланган.
3. Вақт ўтиши билан баъзи белгилар йўқолиш арафасида бўлиб, бундай биологик системаларнинг "келажаги" беқарор: "капалак эффекти" деб аталадиган нарса уларга хосдир. Бироқ, келажакда уларнинг баъзилари яна кўпайиши мумкин. Албатта, бир вақтнинг ўзида бир нечта бошқа турлаар йўқ бўлиб кетиш арафасида бўлишлиги кўрсатилган.
4. Агар биологик система мувозанат ҳолатида бўлса, унда у фақат тоқ сонли хусусиятларга эга эканлиги исботланган.
5. Барча бистохастик квадратик матрицалар тўплами қаварик кўпёқни ҳосил қилиши исботланган.
6. S^4да 6 та кучли турнирнинг ҳар бирида қўзғалмас нуқталарнинг траекторияларининг асимптотик ҳаракати $\dot{x}_k(t) = x_k(t)\cdot\sum_{i=1}^{m} a_{ki}x_i(t)$ системаси интеграл чизиқларини топиш учун $x(t_0) = x^0$бошланғич шартлар билан узлуксиз ҳолатда исботланган.
7. Бистохастик матрицалар тўпламининг экстремал нуқталари ҳақидаги Биргофф теоремасининг аналоги исботланган.
8. $V \in \mathbb{B}$ и $\{V^n x\}$ – x нуқтадан бошланувчи траектория, $\omega(x)$– траекториянинг лимит нуқталари тўплами бўлса, $\omega(x)$–чекли тўплам ва $\lim_{m\to\infty}\frac{1}{m}\sum_{k=0}^{m-1} V^k x$ мавжуд.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.FM.02.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ГУЛИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЭШНИЯЗОВ АБДУМАЛИК ИСКАНДАР УГЛИ

СТРУКТУРА КВАДРАТИЧНЫХ СТОХАСТИЧЕСКИХ ОПЕРАТОРОВ И ЕЕ ПРИЛОЖЕНИЯ К ИЗУЧЕНИЮ МОДЕЛЕЙ ПОПУЛЯЦИОННОЙ ГЕНЕТИКИ

01.01.01 – математический анализ

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Самарканд – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.2.PhD/FM213

Диссертация выполнена в Гулистанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Ганиходжаев Расул Набиевич** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Абдуллаев Жаникул Ибрагимович** доктор физико-математических наук, профессор
	Эшмаматова Дилфуза Бахрамовна кандидат физико-математических наук, доцент
Ведущая организация:	**Наманганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «____» ____________2022 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (+99866) 231-06-32, факс: (+99866) 235-19-38, e-mail: patent@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована за №_____). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (+99866) 231-06-32, факс: (99866) 235-19-38).

Автореферат диссертации разослан «____» ______________2022 года.
(протокол рассылки №_____ от «____» ______________2022 года).

А.С. Солеев
Председатель научного совета по присуждению научных степеней, доктор физико-математических наук, профессор

А.М. Халхужаев
Учёный секретарь научного совета по присуждению научных степеней, доктор физико-математических наук

С.Н.Лакаев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению научных степеней, доктор физико-математических наук, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность диссертации. В мире особое значение придается вопросам применения нелинейных динамических сис в частности квадратичных стохастических операторов, при изуче популяционных генетических моделей. Теория динамических систем является одной из наиболее развивающихся областей математики, а моделирование многих процессов в различных областях, таких как математический анализ, дифференциальные уравнения, топология, теория вероятностей, популяционная биология, является одним из актуальных направлений современной математики. При этом особое внимание уделяется полной идентификации, описанию и изучению характеристик неподвижных точек, асимптотических поведений траекторий квадратичных стохастических операторов, определенных в конечномерном симплексе.

На сегодняшний день по всему миру проводятся многочисленные научные исследования, направленные на изучение динамических систем. К первой группе этого направления относятся непрерывные динамические системы, здесь изучаются интегральные линии векторного поля, определённые в топологическом пространстве, проблемы существования предельных точек, устойчивости и бифуркаций решений. Вторая группа – дискретные динамические системы – здесь приоритетными считаются асимптотические состояния траекторий, исследования по решению задач, связанных с существованием периодических орбит. По этой причине развитие исследований по изучению асимптотического поведения траекторий квадратичных стохастических операторов, определённых в конечномерном симплексе, в дискретном и непрерывном случаях считается актуальной задачей.

В Республике уделяется особое внимание к соответствующим областям научного и практического применения фундаментальных наук, в частности, учеными нашей страны предпринимаются масштабные меры по изучению динамических систем. В последнее время учёными нашей страны в этом направлении получены весомые результаты. Проведение научных исследований на уровне международных стандартов по приоритетным направлениям дисциплин «Функциональный анализ, математический анализ, дифференциальные уравнения и их приложения, математическое моделирование нелинейных систем, динамические системы и их приложений, стохастический анализ, медико-биологическая информатика и вычислительная математика» установлено основной задачей и направлением деятельности исследователей[1]. Для осуществления данных задач, важным

[1] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений академии Наук Республики Узбекистан».

является проведение научных исследований по направлению совершенствования и широкого внедрения в практику, в частности в дискретных и непрерывных динамических системах, развитие исследований по вопросам квадратичных отражений является одной из важных задач.

Исследования настоящей диссертации в определённой степени служат решению задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», в Постановлениях № ПП-4387 от 9 июля 2019 года «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института математики имени В.И. Романовского Академии наук Республики Узбекистан» и №ПП-4708 от 7 мая 2020 года «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики», а также в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной области деятельности.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

Степень изученности проблемы. Изучению квадратичных стохастических операторов в чисто математическом плане посвящён целый ряд исследований, начиная с работ G.H. Hardy, S.N. Bernstein, G. Kesten, S.S. Wallander и другие. В то же время известными учеными Узбекистана в этом направлении являются академик Т.А. Саримсаков, Р.Н. Ганихожаев, Н.Н. Был проведен ряд научных исследований, начиная с работ Ганихожаева и других. Среди квадратичных операторов хорошо изучены так называемые вольтерровы отображения, которые были введены на основе одной из задач S.M.Ulama и разработаны в работах Р.Н. Ганиходжаева. Впервые нерегулярное поведение траекторий квадратичных стохастических операторов в двумерном симплексе рассмотрены M.T. Menzel, P.R. Stein va S.M. Ulamом (1955 г.), а затем доказаны G. Kestenом (1970 г.) и S.S. Wallanderом (1972 г.). М.И. Захаревич, тщательно изучив пример S.M.Ulama, доказал, что средние по Cesaro траекторий не имеют предела (1982 г.). Классификация динамических систем основана на способе задания их состояний, методах описания оператора эволюции и его свойствах, способе зависимости от времени и т.д. Непрерывные динамические системы, возникшие из качественной теории дифференциальных уравнений, в основном изучают глобальную топологическую картину поведения решений дифференциальных уравнений на многообразиях. Основоположниками этого направления являются A.Poincare, J.Birkhoff, А.Андронов, А.Н.Колмогоров и другие.

Начиная с 1980-х годов, к этим исследованиям подключились ташкентские математики под руководством академика Т.А. Сарымсакова. Квадратичные стохастические операторы, действующие в S^2, изучены А.Т. Сарымсаковым (1981 г.), а поведение траекторий квадратичных стохастических операторов вольтерровского типа, действующих в S^3 и S^4, исследовано К.А. Кургановым (1984 г.). Асимптотическое поведение траекторий композиции двух отображений Вольтерра, действующих в двумерном симплексе, изучено Д.Б. Эшмаматовой (2004), а динамические свойства квадратичных гомеоморфизмов симплекса S^4 изучены М.А. Таджиевой (2022). В то же время, проблемы обобщения результатов, полученных для квадратичных стохастических операторов, идентифицированных в симплексе произвольного размера, недостаточно изучены.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного или научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация.

